

Feruz Z. Kholmuminov,
*Leading Researcher of the Imam Maturidi
 International Scientific Research Center.
 A.Kadiri str. 11, 100011,
 Tashkent, Uzbekistan.*
E-mail: dangeroux.93@mail.ru

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2022/4/10

ИБРОҲИМ САМАРҚАНДИЙ ФАОЛИЯТИГА ОИД МАЪЛУМТЛАР ТАҲЛИЛИ

АНАЛИЗ СВЕДЕНИЙ О ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИБРАГИМА САМАРКАНДИ

ANALYSIS OF INFORMATION ABOUT THE ACTIVITIES OF IBRAHIM SAMARKANDI

КИРИШ

Иброҳим Самарқандий Жануби-шарқий Осиёда ислом дини тарқалишида муҳим ўрин туттган тарихий шахслардан биридир. У архипелагда мусулмон зиёлиси, Чампа ва Явада ном таратган даъватчи ҳамда самарқандлик сўфий сифатида тилга олинади. Шунингдек, Иброҳим Самарқандий ислом дини бутун Индонезия бўйлаб кенг тарқалишига ва минтақадаги асосий дин сифатида шаклланишига муваффақ бўлган “Валий сонго” силсиласининг асосчиси саналади. Тарихий манбаларда Иброҳим Самарқандийнинг тугилган йили борасида аниқ маълумотлар учрамасада XIV асрнинг биринчи ярмида ёки милодий 1356 йилда Самарқанддатугилган дегантажминлар учрайди. Вафот этган санаси эса милодий 1419 йил. У Индонезиянинг Шарқий Ява худуди бўлган Гресикда вафот этган ва Гресикнинг Гапура Ветан қишлоғида дафн этилган (Agus Sunyoto, 2011:54).

Унинг Самарқанд ва Индонезияни ўзаро боғловчи шахс эканлиги ҳамда архипелагда ислом динининг кенг тарқалишига кўшган улкан хиссаси тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб кетган. Бунга далил сифатида Фарб ва Шарқ тарихчилари изланишларида “Самарқанд” ва “Самарқандий” номларининг Индонезияда исломнинг кенг тарқалиши жараёнинга ҳисса кўшган шахс сифатида деярли тилга олинмаслигини келтириш мумкин. Архипелагга исломнинг кириб келиш ва тарқа-

лиш жараёни ҳар доим Гужарат, Малабар, Бенгал, Коломадер, Эрон, Хитой ва Саудия Арабистони билан боғлаб кўрсатилади (Н.Husda, 2016:17–29). Минтақага исломнинг кириб келишини Арабистон ва Ҳиндистон ярим ороллари ёки улар атрофидаги худудлар билан боғлаш мумкин. Бироқ унинг минтақада кенг тарқалиб асосий динга айланишини Марказий Осиёда етишиб чиқсан шайхлар ҳамда тасаввуф тариқатларисиз тасаввур қилиш мантиқан нотўғри.

Иброҳим Самарқандийнинг ҳаётига оид маълумотларни Индонезия архипелаги тарихи тўғрисида хабар берувчи “Бабад танаҳ Жави”, “Бабад Рисакипун Мажапаҳит”, “Бабад Чиребон” ва бошқа тарихий манбаларда кўриш мумкин.

Иброҳим Самарқандий сиймосини чуқур тадқиқ қилиш натижасида архипелагда ислом динининг тарқалиш жараёнлари аслида Самарқанд билан бевосита алоқадор эканлиги тўғрисидаги янги йўналишни кўриш мумкин (Z.Mukaffa, 2017:175–200). Иброҳим Самарқандий шахсиятини ўрганишлар унинг даъватидаги ёндашув сўфиийлик ғоялари билан чамбарчас боғлиқ экани кўзга ташланади. Демак, тадқиқот натижаси мусулмонларнинг архипелагда пайдо бўлиши тўғрисидаги умумэтироф этилган назарияларни мутлақо ўзгартирмаса-да, бу жараёнларда самарқандлик шахсларнинг ўрнини инкор этиб бўлмаслиги тўғрисидаги қарашни янада мустаҳкамлади.

Жануби-шарқий Осиё, хусусан, Индонезияда ислом дини тарқалишида Иброҳим Самарқандий ва самарқандлик тарихий шахсларнинг аҳамиятини янада мукаммалроқ тушуниш учун аввало унинг Самарқанд билан алоқаларини аниқлаш лозим. Бунинг учун Самарқанд алломалари тарихига оид манбалардан Иброҳим Самарқандий ва унинг аждодларига алоқадор маълумотларни тадқиқ этиш керак.

АСОСИЙ ҚИСМ

Самарқанд тарихи алломалари тўғрисида маълумот берувчи манбалардан бири Нажмиддин Умар Насафийнинг “ал-Канд фи зикри уламаи Самарқанд” асарида Ўзбекистон тарихида самарқандлик алломалардан фақат Бурхониддин Соғаржий ислом дини ва тасаввуф таълимотининг тарғиботчиси сифатида X–XI асрлар оралиғида Жанубий ва Шарқий Осиё минтақаларига сафар қилгани қайд этилган. Бу шахснинг тўлиқ исми

Аннотация. XIV–XV асрларда Индонезия архипелагида ислом дини тарқалишида самарқандлик олимлар муҳим ўрин тутган. Шундай олимлардан бири Малик Иброҳим Самарқандий (ваф. 1419)дири. Манбаларда унинг асли самарқандлик бўлиб, Индонезия халқи орасида “Шайх Жумадил Кубро” ёки Жамолиддин Акбар ал-Хусайнин номи билан танилган Мавлоно Ҳусайн Жумадил Кубронинг ўғли экантиги айтилади. Бу икки аллома Жануби-шарқий Осиё минтақасида ислом дини тарқалишига катта ҳисса кўшган “Валий сонго” номи билан машҳур бўлган валийлар силсиласи вакиллари саналади. Манбаларда қайд этилишича, Иброҳим Самарқандий Индонезиядаги биринчи бўлиб ислом таълимотини ўргатувчи диний мактаб ташкил этган.

Тадқиқотчилар фикрича, Мавлоно Жумадил Кубро дастлаб икки ўғли Иброҳим ва Исҳоқ билан Явага келган. Кейинчалик исломни тарқатиш мақсадида турли томонларга ўйл олишган. Жумадил Кубро Ява оролида қолади, Иброҳим Самарқандий Чампага (ҳозирги Вьетнам ҳудудлари), Мавлоно Исҳоқ Суматра оролининг шимолий минтақаси Пасайга боради. Уларнинг кейинги ҳаётлари ҳақидаги маълумотлар турлича бўлиб, баъзилари Иброҳим Самарқандийнинг табобат ва тиқкорат билан шуғулланган, аҳолига дехқончилик маданиятини ўргатгани, Чампа ҳукмдорининг қизига уйланиб икки фарзанд кўргани, сўнгра фарзандлари билан Явага қайтгани айтилади. Мақолада Иброҳим Самарқандий шахсиятининг Самарқанд билан боғлиқиги илмий нуқтаси назардан ўрганилиб, тарихий манбалар асосида далилланган. Бундан ташқари, Индонезия архипелагида ислом дини тарқалишининг дастлабки босқичларида Иброҳим Самарқандий фаолиятиниң аҳамияти ўрганилган. Тадқиқот доирасида XIV–XV асрларда Самарқанд ва Ява ороли мусулмонларининг ўзига хос алоқалари очиб берилган.

Калит сўзлар. Ислом, Индонезия, даъват, дин, архипелаг, наслубнома, шаҳжара, масаввуф, Валий сонго.

Abstract. Scholars of Samarkand origin also played an important role in the spread of Islam in the Indonesian archipelago in the XIV–XV centuries. One of these scholars is Malik Ibrahim Samarkandi (d. 1419). Sources say that he was originally from Samarkand and was the son of Mawlana Hussein Jumadul Kubro, known among the Indonesian people as Sheikh Jumadul Kubro or Jamaluddin Akbar al-Husseini. These two scholars belong to the circle of scholars of nine saints known as Wali Songo, who made a great contribution to the spread of Islam in the regions of Southeast Asia. According to sources, Ibrahim Samarkandi was one of the first to establish a religious school in Indonesia to teach Islam.

According to researchers, Mawlana Jumadul Kubro first came to Java with his two sons, Ibrahim and Ishaq. They then split up and spread in different directions to teach Islam. Jumadul Kubro stayed on the island of Java, Ibrahim Samarkandi went to Champa (present-day Vietnam territories), and Mawlana Ishaq went to Pasay, the northern region of Sumatra island. Information about their later lives varies, with some claiming that Ibrahim Samarkandi practiced medicine and trade, taught local farmers the culture of farming, married the daughter of the ruler of Champa and had two children, and then returned to Java with his children. In the framework of this article, the connection of the personality of Ibrahim Samarkandi with Samarkand is studied from a scientific point of view and proved by historical sources. In addition, the importance of Ibrahim Samarkandi in the early stages of the spread of Islam in the Indonesian archipelago is studied. The research also reveals the specific connections of Islam in the XIV–XV centuries in the Samarkand region and the island of Java.

Keywords. Islam, Indonesia, da'vah, religion, archipelago, genealogy, family tree, Sufism, Wali Songo.

Аннотация. Ученые самаркандинского происхождения сыграли важную роль в распространении ислама на Индонезийском архипелаге в XIV–XV веках. Одним из таких ученых является Малик Ибрахим Самарканди (ум. 1419 г.). Источники сообщают, что он был родом из Самарканда и был сыном Мавлана Ҳусейна Джумадила Кубро, известного среди индонезийцев как шейх Джумадул Кубро или Джамолиддин Акбар аль-Ҳусейни. Эти два ученых принадлежат к кругу ученых девятерых святых, известных как Вали сонго, которые внесли большой вклад в распространение ислама в регионах Юго-Восточной Азии. Согласно источникам, Ибрахим Самарканди был одним из первых, кто основал в Индонезии религиозную школу для преподавания исламских учений.

По мнению исследователей, Мавлана Джумадил Кубро впервые приехал на Яву со своими двумя сыновьями – Ибрахимом и Исҳаком. Затем они разделились и разошлись в разные стороны, чтобы распространять ислам. Джумадил Кубро остался на острове Ява, Ибрахим Самарканди отправился в Чампу (территория современного Вьетнама), а Мавлана Исҳак отправился в Пасай, северный район острова Суматра. Информация об их дальнейшей жизни разнится: некоторые утверждают, что Ибрахим Самарканди занимался медициной и торговлей, обучал местных фермеров культуре земледелия, женился на дочери правителя Чампы и имел двух детей, после чего вернулся с детьми на Яву. В рамках данной статьи связь личности Ибрахима Самарканди с Самаркандом исследуется с научной точки зрения и доказывается историческими источниками. Кроме того, изучается значение Ибрахима Самарканди на ранних этапах распространения ислама на Индонезийском архипелаге. Исследование также выявляет специфические связи ислама в XIV–XV веках в Самаркандинской области и на острове Ява.

Ключевые слова. Ислам, Индонезия, призыв, религия, архипелаг, генеалогия, генеалогическое древо, мистицизм, вали сонго.

Шайх Бурхониддин ибн Алоуддин Соғаржий. Баъзи манбаларда Соғаржий X асрда сомонийлар ҳукмронлиги даврида яшаб ўтгани айтилса, бошқаларида XII–XIV асрларда яшагани хабар берилади (К.Каттаев, Г.Каттаева, 2022:16). Яна бир тарихий манба “Хулосат ал-маноқиб” асарида Бурхониддин Соғаржийнинг милодий 1200–1300 йилларда яшагани қайд этилади. Ҳозирча унинг яшаб ўтган саналарига доир аниқ малумотлар мавжуд эмас. Бироқ ҳаёт фаолияти, сафарлари ҳамда фарзандлари борасида тарихий манбаларда бир канча маълумотлар учрайди.

Унинг яшаб ўтган даврлари борасидаги чалкашлик “Соғаржий” нисбасидаги олимларнинг кўплиги билан изоҳланади. Лекин ушбу шахснинг XIII–XIV асрларда яшагани борасидаги маълумотларни асословчи манбалар етарли эмас. Бурхониддин Соғаржийнинг макбараси буғунги кунда Рухобод мажмуаси деб номланади. Ушбу макбарада унинг хотини – Хитой маликаси Биби Ҳанифа ҳамда ўн нафар фарзанди дағн этилган. Бурхониддин Соғаржийнинг насабномаси ота томонидан халифа Умарга бориб етса, она томонидан пайғамбар авлодларидан бўлганлиги айтилади.

Индонезияда топилган тарихий манбалар ва тадқиқотларда тилга олинган Шайх Жўмадил Кубро Шайх Бурхониддин Соғаржийнинг тўнғич фарзанди Шайхзода Абу Сайднинг ўғли бўлганлиги ҳақиқатга жуда яқин (К.Каттаев, Г.Каттаева, 2022:18). Чунки Шайх Абу Сайднинг онаси Хитой тарафдаги давлат ҳукмдорининг қизи бўлгани учун шу юртда меросхўр ҳисобланган. Шу сабабли ўғлига шахзода ёки ҳукмдор маъносини англатувчи “Малик” нисбасини бериб Малик Иброҳим деб аталган бўлиши мумкин. Шайх Бурхониддин Соғаржийнинг Ҳиндистон ва Хитой минтақаларига сафар қилиб, ислом дини ва тасаввуфи тарқатгани ҳамда ўша ерда бир подшоҳнинг қизига уйлангани тўғрисида Нажмиддин Умар Насафийнинг “ал-Қанд фи зикри уламаи Самарқанд” ва Абу Тоҳирхожа ибн Абу Сайд Самарқандийнинг “Самария” каби асарларида қайд этилган (Abu Tokhirhoja, 1991:303).

К.Каттаев ўз асарида дастлаб Соғаржий, сўнгра ўғиллари, XIV асрдан эса унинг кейинги авлодлари, хусусан, Малик Иброҳим ҳам Жануби-Шаркий Осиёга сафар қилиб, боболари бошлаган тарғибот

ишларини давом эттириб, ислом динини янада кенгрок ва узоқроқ ўлкаларга тарқатишганини айтади (K.Kattaev, G.Kattaeva, 2022:18).

XIII асрда яшаб ўтган самарқандлик йирик тарихчи, аллома Нажмиддин Умар Насафий “ал-Қанд фи зикри уламаи Самарқанд” асарида Бурхониддин Соғаржийнинг Шаркий Осиё юртларига сафари тўғрисида маълумотлар келтирган (Nasafi, 1994:112).

МУҲОКАМА

Тадқиқот мавзусига оид Самарқанд тарихи ва алломалари ҳакида ёзилиб, бизгача етиб келган асарлар сирасига Абу Сайд Муҳаммад Идрисийнинг (ваф. 1015) “Таворихи Самарқанд”, Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Насафийнинг “ал-Қанд фи зикри уламаи Самарқанд”, Абу Фазл Муҳаммад бин Абу Жамил бин Абдумалик ибн Ҳайдар Самарқандийнинг “Қандия хурд”, Абу Тоҳирхожа ибн Абу Сайд Самарқандийнинг “Самария” ва бошқа шу каби асарларини киритиш мумкин. Юкоридаги асарлар ичida Абу Тоҳирхожанинг “Самария” асари XIX асрнинг 30 йилларида ёзилган. Ушбу асарлар орқали Шайх Бурхониддин Соғаржийнинг ҳаёт-фаолияти ва саёҳатлари ҳақидаги қимматли маълумотларни учратиш мумкин. “Самария” китобида нисбатан кам берилган бўлса-да, “Ал-Қанд фи зикри уламаи Самарқанд” ва “Таворихи Самарқанд” асарларидан батағсил маълумотларни олиш мумкин.

Китобда Самарқандда фаолият кўрсатган турли алломаларнинг кабр ва мақбаралари тарихидан ташқари, сухравардия тариқати вакили деб қаралувчи Шайх Бурхониддин Соғаржийнинг Жанубий ва Шаркий Осиё ҳудудларига ислом дини ва тасаввуф тариқатини тарқатишида қилган сафари ва фаолияти тасвирланган. Китоб, бошқа шу каби тасаввуфий макомот ва маноқиблар каби агиографик тарзда ёзилган.

Ушбу асарда ёзилишича, сухравардия ўша пайтларда Мовароуннаҳрда энг устувор тариқат ҳисобланган. Тариқат асосчисининг ўғли Шайх Зайниддин Кўйи Орифоний Тошкентда фаолият олиб борган ва ўзининг машҳур шогирдларидан бири Шайх Нуриддин Басирни тариқат тарғиботи учун Самарқандга жўнатган. Ўз навбатида Шайх Нуриддин Басир ҳам шогирди Бурхониддин Соғаржийни Ҳиндистон ва Хитой мамлакатларига юборган. Шарқ мамлакатига келган Шайх Бур-

хониддин тарғиботлари туфайли ўша юрт хукмдори назарига тушиб қолади. Ҳукмдор ва унинг халқи Шайх Бурхониддин тарғиботлари туфайли ислом динини қабул қилган. Сўнгра хукмдор ўз қизини Соғаржийга никоҳлаб беради. Уларнинг фарзандлари эса шу юртнинг валиаҳди га айланади (К.Каттаев, Г.Каттаева, 2020:58).

Қайд этиш лозимки, Нажмиддин Умар Насафий ёзган китоблар туфайли Самарқанддан этишиб чиққан олимлар фаолияти, дағн этилган мавзелари тарихи бизгача етиб келган. Унинг Самарқанд алломалари ва уларнинг қабрлари тўғрисидаги китоби “ал-Қанд фи зикри уламаи Самарқанд”, қисқача “Қандия” деб номланган (Насафий, 1994).

“Қандия” Имом Насафий вафот этганидан сўнг унинг шогирд ва издошлари томонидан тўлдирилиб, қўшимчалар киритилган. Жумладан, Шайх Нуриддин Басир ва унинг шогирди Шайх Бурхониддин Соғаржийга тегишли боблар ҳамда Амир Темур тарихига оид баъзи боблар агиографик-сўфийлик тарзида ривоят килинган.

“Ал-Қанд фи зикри уламаи Самарқанд” асаридан ташқари, яна бир неча манбаларда Соғаржийнинг фаолияти у ёки бу тарзда айтиб ўтилади. Жумладан, Саййид Али Ҳамадонийга бағищланган маноқиб ва мақомот туридаги асарлар ҳамда “Машориб ал-азвоқ” китобида Бурхониддин Соғаржий Саййид Ҳамадонийнинг устозларидан бири эканлиги ёзилиб, сафарлари тўғрисида ҳам қисқача сўз боради. Масалан, “Хулосат ал-маноқиб” асарида шундай ёзилган: “Соғарж – Самарқанд Сўғдининг манзилларидан биридир. Шайх Бурхониддин Соғаржийга қадими ҳукмдорлар таъзиму такрим бажо келтиришарди. Ул зот саккизинчи хижрий асрнинг шуҳратли инсонларидан ва ўз асрининг етук имомларидан эди. Соликларга “ижозати кулий” берар, одоб-ахлоқ тарқатар ва зикрларни ўргатар эди. Ҳинд подшохи Султон Мұхаммад ибн Ғиёсиддин Туғлукшоҳ кирқ минг кизил олтин динорни унинг хизматлари учун юборган”. Ушбу тарихий маълумот Бурхониддин Соғаржий Ҳиндистонга ҳам сафар килганини кўрсатади. “Ал-Қанд фи зикри уламаи Самарқанд” китобида ҳам унинг Ҳиндистон, Хитой сафарига катта боблар ажратилган бўлиб, асосий воқеалар унинг шогирди машхур сўфий Мир Саййид Али Ҳамадонийнинг сўзларидан олинганилиги катта аҳамият касб этади. Бундан ташқари асарда унинг сафари вақтида катта муваффақиятларга эришиб,

ўша юрт хукмдори ва халқининг исломни қабул қилишига эришгани, бу хизмати учун ўша мамлакат ҳукмдори қизини Соғаржийга никоҳлаб бергани айтилган (К.Каттаев, Г.Каттаева, 2020:60).

Соғаржий Хитойда вафот этади ва васиятига кўра ўғли Абу Саид отасининг жасадини тужга ортиб, Самарқандга олиб кетгани тўғрисидаги маълумотлар тарихий манбаларда учрайди. Бироқ унинг бошқа фарзандлари она юртида қолган бўлиши мумкин. Бу борада кўпроқ маълумот олиш учун Хитойга оид тарихий манбаларни чуқурроқ тадқиқ қилиш керак бўлади. Бу эса Соғаржий ва маликанинг фарзандлари кейинчалик Хитойдан жануби-шарқда жойлашган минтақаларга ҳам ислом динини тарқатиш мақсадида саёҳат қилганини кўрсатади (К.Каттаев, Г.Каттаева, 2022:22). Абу Саид отаси жасадини олиб кетишиндан олдин бир ёки икки ўғлини хизмат қилишлари учун она юртида қолдирган.

НАТИЖА

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Жумадил Кубро ҳамда унинг икки ўғли Иброҳим Самарқандий ва Мавлоно Исҳоқ Бурхониддин Соғаржий ёки унинг ўғли Абу Саиднинг фарзандлари саналади. Чунки уларнинг Ява оролига келиши ва Иброҳим Самарқандийнинг Чампага бориб ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида тарғиботчилик билан шуғуллангани ҳамда у ерда ҳукмдорнинг қизига уйланиши тўғрисидаги маълумотлар ўзаро бирбирини тўлдирмоқда.

Иброҳим Самарқандий исмига “Малик” (ҳукмдор) нисбасининг қўшилиши ва подишоҳнинг қизи билан турмуш қуриши ҳам унинг ҳукмдорлар наслидан бўлганини асослайди.

Индонезияда Жумадил Кубродан бошланувчи самарқандлик даъватчилар оиласи Бурхониддин Соғаржий авлодлари бўлиб, улар ҳам ўз отабоболари каби ислом динини тарғиб қилиш мақсадида Жануби-шарқий Осиёга сафар қилган дейиш мумкин. Чунки тарихий манбаларда фақатгина ушбу оила аъзоларининг Жануби-шарқий Осиёга қилган сафарларини тасдиқловчи маълумотлар мавжуд. Шунингдек, бундай сафарлар учун етарли маблағ билан биргаликда илмий маълумотлар ҳам зарур. Ундан ташқари Чампа ва Палембанг ҳукмдорларининг Иброҳим Самар-

қандийга нисбатан муносабати ҳам унинг оддий инсон бўлмаганини кўрсатади. Оддий бир оила учун бу ишлар жуда оғир ва машакқатли бўйлар эди.

Иброҳим Самарқандийнинг Марказий Осиёдан архипелагта келиш вакти Амир Темур (1336–1405) хукмронлиги даврига тўғри келади. Амир Темур хукмронлиги бошланган 1370 йилдан бошлиб Самарқанд нафақат Осиёнинг муҳим марказий шаҳарларидан бирига, балки Ғарб ва Шарқни боғлаб турувчи асосий сиёсат, илм-фан, маданият ва савдо марказига айланган.

Бабад Чиребонда (Чиребон солномаси) Иброҳим асли Тулен шаҳридан бўлган Шайх Карненning ўғли эканлиги тўғрисидаги ҳикоя келтирилади. Агар манбада келтирилган маълумотлар тўғри бўлса, Иброҳим маҳаллий туб аҳоли вакили эмас, балки Самарқанддан кўчиб келганлиги ойдинлашади. Айнан шу манбада Самарқандийнинг отаси экани айтилган Шайх Карнен ҳам аслида Самарқандга Тулендан кўчиб келиб ўрнашгани келтирилади. Самарқанддан келган кўчманчи эканлигига далил эса, Туленning бугунги Қозоғистоннинг бир қисми бўлган Каспий денгизининг шимоли-шарқий қисми, хусусан, Самарқанд ўлкасининг шимоли-ғарбий қисмida жойлашган Туйлен оролининг номи сифатида тез-тез тилга олиниши, деб ёзади Агус Сонёто (Agus Sunyoto, 2011:55).

Агус Сонёто “Валий сонго” номли асарида келтирган юкоридаги маълумотларда бир қанча номутаносибликлар мавжуд. Биринчиси, манбада келтирилган “Тулен” ёки “Туйлен” деб номланган географик топонимнинг жойлашувидағи ноаниқлик бўлиб, тарихий манбаларда бундай жой учрамайди. Иккинчиси, муаллифнинг Тулен деб номланган бу шаҳарни Самарқанднинг шимоли-ғарбий қисмida жойлашган Туйлен оролининг номи сифатида келтиришидир. Чунки тарихдан маълумки Самарқанд ва унинг атрофида оролларни қамраб оловчи бирорта катта денгиз ёки океан мавжуд эмас.

Бабад Чиребонда келтирилган мазкур маълумотлардаги номутаносибликлар ягона ҳолат эмас. Бошқа шахс ва воеалар тўғрисидаги ҳикояларда ҳам шунга ўхшаш ҳолатлар тез-тез учраб туради. Аммо “Тулен” ёки “Туйлен” деб номланган географик топонимнинг бугунги кунда топилмаслиги бунинг мутлақо нотўғри эканлигини кўрсатмайди. Чунки юкоридаги маълумотлар келтирилган манбалар қадимги Ява тилида ёзил-

ган. Маълумки, Ява ороли тили ва Марказий Осиё ҳалқлари тиллари талаффуз жиҳатидан кескин фарқ қиласи. Ушбу тарихий географик ном ҳам маҳаллий ҳалқ тилида талаффуз қилиниб, кескин ўзгаришга учраган бўлиши мумкин.

Қолаверса, Иброҳим Самарқандий туғилганидан то Индонез архипелагига келгунигача бўлган йиллар Самарқандда Амир Темур ва темурийлар сулоласи хукмронлик қилган даврга тўғри келади. Тарихий манбалардан маълумки Амир Темур ўз салтанати номини “Турон” деб номлашни буюрган. Бу ҳақда Амир Темурнинг тарихчиси Шарафиддин Али Яздий ҳам айтиб ўтган. “Турон” сўзи қадимги Ява тилида “Тулен” ёки “Туйлен” шаклида талаффуз қилинган бўлиши мумкин.

Иброҳим Самарқандийнинг Самарқандда туғилганини инкор этувчи бирорта ҳам тарихчи ёки тарихий манба мавжуд эмас. Аксинча, унинг асли самарқандлик эканлигини исботловчи бир қанча далиллар мавжуд. Улардан бири Иброҳим Самарқандий томонидан ёзилган ва кўплаб индонез анъанавий мактаблари бўлган пешантренларда кенг тарқалган, олти бобдан иборат “Усул нем бис” ва “Сулук нгасмара” китобидир. “Усул нем бис” қўллэзмасининг ҳар бир боби изчил равишда “Бисмиллах ар-Роҳман ар-Роҳим” жумласи билан бошланади. “Сулук нгасмара” ёки “Асмарा” асари эса, Иброҳим Самарқандий томонидан ёзилган XVасрратегишилтасаввуфгаойдикитоббўлиб, ухам мавжуд маълумотларни яна бир бор тасдиқлайди. Сонёто Самарқандий томонидан ёзилган ушбу китобда унинг Самарқанд сўзидан олинган “ас-Самарқандий” нисбаси келтирилганини ва бу унинг асли қаерлик бўлганига далил эканини айтади (Agus Sunyoto, 2004:52). Машхур шахсларга туғилган жойи номини нисба килиб бериш тарихдан то бугунги кунгача сақланиб қолган анъана саналади. Қолаверса, Иброҳим Самарқандийнинг ўғли бўлган Сунан Ампелнинг насабномаси ҳам унинг асли Самарқанддан бўлганини тасдиқлайди.

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкини, Иброҳим Самарқандий Ўзбекистоннинг Самарқанд минтақасидан бўлганлиги ҳақидаги қараш уч нарсага асосланади: биринчиси, “ас-Самарқандий” атама-

сининг “Асмарақандий” деб талаффуз қилиниши, иккинчиси, “Усул нем бис” ҳамда “Сулук нгасмара” китобларининг мавжудлиги, учинчиси, Сунан Ампел ва Иброҳим Самарқандий насабномасининг бир хиллиги. Турли насабномаларда бу шахслар доим Ҳусайн ибн Али ибн Аби Толиб номи билан боғланган бўлиб, унинг насли Арабистон диёрларидан ташқари бир қанча йирик мусулмон мамлакатларида, ҳусусан, Марказий Осиё минтақасида ҳам кенг тарқалган.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Тохирхўжа. (1991). Самария. Тошкент: Камалак.
2. Agus Sunyoto. (2004). Sunan Ampel raja surabaya: membaca kembali dinamika perjuangan dakwah Islam di Jawa abad XIV–XV m. Surabaya: Diantama.
3. Agus Sunyoto. (2011). Wali songo, rekonstruksi sejarah yang disingkirkan. Jakarta: Transpustaka.
4. Agus Sunyoto. (2012). Atlas Wali Songo, buku pertama yang mengungkap walisongo sebagai fakta sejarah. Jakarta: Mizan.
5. Audrey Kahin. (2015). Historical dictionary of Indonesia. Rowman & Littlefield Publishers.
6. A.Abdullah, A.Suardi. (2018). Origins of Islam in Indonesia. International Journal of Pure and Applied Mathematics. Indonesia. pp. 1149–1178.
7. Bisri Mustofa. (2004). Tarikhul auliya. Rembang: Gama Media.
8. G.Coedes. (1968). The Indianized states of southeast Asia. University of Hawaii Press.
9. G.Drewes. (1968). New light on the coming of Islam to Indonesia. BKI.
10. H.Husda. (2016). Islamisasi Nusantara; analisis terhadap diskursus para sejarawan. Adabiya.
11. К.Каттаев, Г.Каттаева. (2020). Кадимий китоблар таржимаси. Тошкент: Қақнус.
12. К.Каттаев, Г.Каттаева. (2022). Ҳазрати Рухобод. Шайх Бурхониддин Соғаржий ва Мавлоно Иброҳим ас-Самарқандий. Самарқанд: Фн булоги.
13. Z.Mukaffa, (2017). A new account on the portrait of Ibrahim Asmarakandi and his sufism approach in the islamization of Java. Journal of Indonesian Islam 11, No. 1.
14. Насафий. (1994). Ал-Қанд фи тарихи Самарқанд. Самарқанд: Суғдиёна.
15. Насафий. (2001). Ал-Қанд фи зикри уламаи Самарқанд (Самарқандия). Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашри.
16. Purwadi. (2005). Babad tanah Jawi. Yogyakarta: Penerbit Gelombang Pasang.
17. A.W.Yudi. (2013). Babad walisongo. Yogyakarta: Narasi.
18. P.J.Zoetmulder. (1990). Manunggaling kawula gusti: pantheisme dan monisme dalam sastra suluk Jawa. Jakarta: Gramedia.

REFERENCES

1. Abu Takhirhoja. (1991). Samaria. Tashkent: Kamalak.
2. Agus Sunyoto. (2004). Sunan Ampel raja surabaya: membaca kembali dynamics perjuangan dakwah Islam di Jawa abad XIV–XV m. Surabaya: Diantama.
3. Agus Sunyoto. (2011). Wali songo, rekonstruksi sejarah yang disingkirkan. Jakarta: Transpustaka.
4. Agus Sunyoto. (2012). Atlas Wali Songo, buku pertama yang mengungkap walisongo sebagai fakta sejarah. Jakarta: Mizan.
5. Audrey Kahin. (2015). Historical dictionary of Indonesia. Rowman & Littlefield Publishers.
6. A.Abdullah, A.Suardi. (2018). Origins of Islam in Indonesia. International Journal of Pure and Applied Mathematics. Indonesia.
7. Bisri Mustofa. (2004). Tarikhul auliya. Rembang: Gama Media.
8. G.Coedes. (1968). The Indianized states of Southeast Asia. University of Hawaii Press.
9. G.Drewes. (1968). New light on the coming of Islam to Indonesia. BKI.
10. H.Husda. (2016). Islamisasi Nusantara; analysis of discourses for sejarawan. Literature.
11. K.Kattaev, G.Kattaeva. (2020). Translation of ancient books. Тошкент: Qaqnus.
12. K.Kattaev, G.Kattaeva, (2022). Hazrat Ruhabad. Sheikh Burhanuddin Sogharji and Maulana Ibrahim al-Samarkandi. Samarkand: Fountain of Science.
13. Z.Mukaffa. (2017). A new account on the portrait of Ibrahim Asmarakandi and his Sufism approach in the Islamization of Java. Journal of Indonesian Islam 11, No. 1.
14. Nasafi. (1994). Al-Qand fi tarikh Samarkand. Samarkand: Sugdiyon.
15. Nasafi. (2001). Al-Qand fi zikri ulamai Samarkand (Samarkandiya). Tashkent. “Uzbekistan national encyclopedia” State scientific publication.
16. Purwadi. (2005). Babad tanah Jawi. Yogyakarta: Penerbit Gelombang Pasang.
17. A.W.Yudi. (2013). Babad walisongo. Yogyakarta: Narasi.
18. P.J.Zoetmulder. (1990). Manunggaling kawula gusti: pantheisme dan monisme dalam sastra suluk Jawa. Jakarta: Gramedia.